

**БУҒУВЧИ ЛАРИНГОТРАХЕИТ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН
ЎТКИР РЕСПИРАТОР-ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА
МИКРОНУТРИЕНТЛАР ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Уралов Шухрат Мухтарович

Т.ф.н., Болалар касалликлари пропедевтикаси кафедраси доценти

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети

Самарқанд, Ўзбекистон

Аннотация: *Ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) болаликнинг энг кенг тарқалган касалликларидан бири бўлиб, кўпинча кичик ёшдаги болалар хасталанади. 2-3 ёшлардаги амалдаги соғлом бола йилига ўртача 4-5 марта ЎРВИ ларга чалинганлигини таъкидлаш кифоя. Нафас олиш йўллари инфекцияларининг катта қисми енгил кечади ва мураккаб тиббий муолажаларни талаб қилмайди. Бироқ, уларнинг кўпчилиги ота-оналарни иш фаолиятидан чалғитади, шунингдек, юқори тана ҳарорати, йўтал каби кўринишлар шифокорларга тез-тез ташириб буюриш учун сабаб бўлади. Шу билан бирга, аҳамиятсиз бўлса-да, аммо ЎРВИ ларнинг маълум бир қисми, кичик ёшдаги беморларнинг соғлиги ва ҳаётига ҳақиқий хавф туғдиради, ҳамда кескин чора-тадбирларни қўллашни, айрим ҳолатларда реанимацион муолажаларни қўллашни талаб қилади. Бу, айниқса, ЎРВИ ларнинг стенозли ларинготрахеит билан асоратланган беморларга тўғри келади. ЎРВИ ларда метаболизмнинг кўплаб жиҳатлари ўрганилган, аммо бу патологияда микроэлементлар ҳолатини ўрганиш бўйича етарли даражада илмий изланишлар ўтказилмаган.*

Калит сўзлар: *болалар, микроэлементлар, ЎРВИ, стенозли ларинготрахеит.*

Уралов Шухрат Мухтарович

*к.м.н., доцент кафедры Пропедевтики детских болезней
Самаркандский государственный медицинский университет
Самарканд, Узбекистан*

**ХАРАКТЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ НАРУШЕНИЯ
СОДЕРЖАНИЯ МИКРОЭЛЕМЕНТОВ У ДЕТЕЙ С ОСТРОЙ
РЕСПИРАТОРНО-ВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИЕЙ, ОСЛОЖНЕННОЙ
СТЕНОЗИРУЮЩИМ ЛАРИНГОТРАХЕИТОМ**

***Аннотация:** Острые респираторные вирусные инфекции являются одной из самых частых распространенных заболеваний детского возраста и чаще всего страдают дети раннего возраста. Достаточно отметить, что здоровый ребенок 2-3 лет переносит в среднем 4-5 раз в год острую респираторную вирусную инфекцию. Значительное число респираторной инфекции протекает легко и не требует проведения серьезных лечебных мероприятий. Однако многие из них отвлекают родителей от их трудовой деятельности, а также такие проявления как высокая температура тела, кашель являются причиной частого обращения к врачам. В тоже время хоть и незначительная, но все определенная доля острой респираторной инфекции представляет реальную угрозу здоровью и жизни маленького пациента, и требует проведения решительных мер, порой проведения реанимационной терапии. Особенно это касается осложненных острых респираторных вирусных инфекцией в частности стенозирующего ларинготрахеита. При острых респираторных вирусных инфекциях изучены многие стороны обмена веществ, однако изучение микроэлементного статуса при данной патологии изучены недостаточно. Между тем в настоящее время, активно развиваться медицинская микроэлементология, что связано с совершенствованием базы для определения микроэлементов в биологических средах.*

Ключевые слова: *дети, микроэлементы, ОРВИ, стенозирующий ларинготрахеит.*

Муаммонинг долзарблиги. Ҳозирги вақтда тиббий микроэлементология фаол ривожланмоқда [1-8], бу биологик муҳитда микроэлементларни аниқлаш базасини такомиллаштириш билан боғлиқ [9-15]. ЖССТ нинг сўнгги баёнотига кўра, дунёда 2 миллиарддан ортиқ одам турли микроэлементлар танқислигидан азият чекмоқда [16-21]. Инсон танасида микроэлементларнинг етишмаслиги, миқдорининг ошиши ёки номутаносиблиги ҳар доим ҳам мустақил нозологик шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келмайди [22-26], аммо ҳозирги кунга қадар болаларда ЎРВИ ларда микроэлементлар концентрацияси ўзгаришининг клиник ва патогенетик аҳамияти, уларни комплекс терапияда қўллаш имконияти ЎРВИ ларда етарлича ўрганилмаган [27-31].

Ишнинг мақсади - стенозли ларинготрахеит билан асоратланган ЎРВИ ли болаларда микроэлементлар ҳолатидаги ўзгаришлар хусусиятларини ўрганиш.

Материаллар ва услублар. Белгиланган мақсадга эришиш учун Республика шошилинич тез-тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалининг шошилинич педиатрия бўлимларига ётқизилган 52 нафар 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган болалар текширишдан ўтказилди. Назорат гуруҳини шу ёшдаги 10 нафар амалдаги соғлом болалардан ташкил этди. Стенозли ларинготрахеит билан асоратланган ЎРВИ бўлган беморлар 34 нафарни, асоратларсиз ЎРВИ - 18 нафарни ташкил этди. Барча болаларнинг сочидаги мис ва рух концентрацияси аниқланди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ўрганилган болаларда касаллик белгиларининг табиати ва частотаси таҳлил қилинганда, энг кўп учрайдиган аломатлардан иситма, йўтал, овозининг хириллаши, нафас қисилиши, бурундан оқинди, аксириш, уйқусининг бузилиши, иштаҳанинг пасайиши ва безовталиқ қайд этилди. Қабул пайтида деярли барча

беморларда тана ҳарорати кўтарилган эди. Клиникага қабул қилингандан сўнг, асоратланмаган ЎРВИ билан касалланган 15 боланинг ҳарорати 38-39⁰С гача кўтарилганлиги, стенозли ларинготрахеит билан асоратланган ЎРВИ ли 30 болада субфебрил ҳарорат аниқланди.

Беморларнинг 100% да йўтал қайд этилган, 1-гуруҳ болаларида 66% ҳолларда йўтал куруқ характерга эга бўлиб, кейинчалик оз миқдорда шиллик балғам чиқиши билан нам йўталга айланган, 2-гуруҳда эса куруқ йўтал 82% ҳолларда кузатилган. Аксириш асоратланмаган ЎРВИ билан оғриган беморларнинг 72% да ва стенозли ларинготрахеит билан оғриган болаларнинг 47% да қайд этилган. Стенозли ларинготрахеит билан оғриган беморларнинг 100% да овознинг хириллаши аниқланди, 100% ҳолларда нафас қисилиши ҳам кузатилди. Барча болалар йил давомида камида 3 марта ЎРВИ га чалинган. Ўпка аускултацияси пайтида деярли барча беморларда (100%) қаттиқ нафас олиш қайд этилган, 2-гуруҳ беморларининг 76% да ўтказувчан хириллашлар аниқланган, шу гуруҳдаги беморларнинг 825 да куруқ хириллашлар ҳам аниқланган. Кўкрак қафаси рентгенограммаси 1-гуруҳда 50% болаларда ва 2-гуруҳдаги 67% беморларда ўпка суратининг кучайишини кўрсатди, ўпка илдизининг кенгайиши эса мос равишда 33% ва 59% ҳолларда кузатилди. Стенозли ларинготрахеит билан асоратланган ЎРВИ ли барча беморлар оториноларинголог маслаҳатидан ўтказилди.

Стенозли ларинготрахеит билан асоратланган ЎРВИ ли болаларнинг сочларидаги мис ва рух микроэлементлари таркибини ўрганишни бошлашдан олдин, соғлом болаларда сочлардаги ушбу элементларнинг таркиби тўғрисида ўз маълумотларимизни олишни қарор қилдик. Шу мақсадда биз 10 та соғлом боланинг сочларини таҳлилдан ўтказдик. Болаларнинг ёши - 7 ойдан 3 ёшгача, ўғил болалар – 2 нафар, қизлар - 8 нафарни ташкил қилди.

Микроэлементлар ҳолати 18 нафар (1-гуруҳ) 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган ЎРВИ ли болада ўрганилганда, тадқиқот натижалари текширилган беморларда мис ва рух таркибидаги сезиларли ўзгаришларни аниқлаб

берди. Жумладан, рух концентрациясининг $51,2 \pm 9,67$ мг/мл гача пасайиши (нормада $66,19 \pm 10,53$ мг/мл) ва мис миқдорининг $3,8 \pm 0,78$ мг/мл гача пасайиши (нормада $5,33 \pm 0,64$ мг/мл) аниқланди. Стенозловчи ларинготрахеит билан асоратланган ЎРВИ ли 2-гуруҳдаги 34 нафар болаларда миснинг ўртача концентрацияси, одатдагидан анча паст бўлганлигини ва $2,9 \pm 0,52$ мг/мл га тенг келганлигини аниқладик. Назорат гуруҳи билан солиштирилганда фарқларнинг ишончлилиги даражаси $P < 0,01$, асоратланмаган ЎРВИ гуруҳи билан солиштирилганда $P < 0,05$ ни ташкил қилди. Стенозловчи ларинготрахеит билан асоратланган ЎРВИ ли беморларда рух концентрациясининг яққол пасайиши аниқланиб, ушбу кўрсаткич $43,6 \pm 8,98$ мг/мл ни ташкил қилди. Соғлом болалар гуруҳи ва асоратланмаган ЎРВИ ли беморлар гуруҳи билан солиштирилганда фарқларнинг ишончлилиги даражаси сезиларли бўлиб, мос равишда, $P < 0,01$ ва $P < 0,02$ ни ташкил қилди.

Хулоса. Шундай қилиб, ЎРВИ ларда микроэлементлар алмашинувини ўрганиш ушбу патологияли болаларда сезиларли ўзгаришлар мавжудлигини аниқлаб берди. Олинган натижалар, ушбу патологияда микроэлементлар метаболизмининг бузилиши мавжуд бўлиб, беморлар сочида рух ва мис концентрациясининг пасайишини кўрсатди. ЎРВИ ли беморларда интоксикация ва гипертермия туфайли озик-овқат истеъмол қилиш чекланганлигини ҳисобга олганда, мис ва рух концентрациясининг камайиши озик-овқат таркибий қисмларини, шу жумладан микроэлементларни етарли даражада истеъмол қилмаслик билан боғлиқ. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, микроэлементлар метаболизмининг энг чуқур ўзгаришлари, асоратсиз кечувчи ЎРВИ ли беморларга нисбатан, стенозли ларинготрахеит билан асоратланган ЎРВИ ли бемор болаларда қайд этилди.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева, З. Х., Азимова, Г. А., Уралов, Ш. М., & Нажмиддинова, Н. К. (2014). Об эффективности проведения экспресс-диагностики

возбудителей внебольничной пневмонии у детей. In Молодежь и медицинская наука в XXI веке (с. 29-30).

2. Гарифулина, Л., Рустамов, М., Кудратова, Г., & Уралов, Ш. (2014). Урсодексихолевая кислота в терапии вирусных хронических гепатитов у детей. Журнал проблемы биологии и медицины, (3 (79)), 95-96.

3. Рустамов, М. Р., Ибатова, Ш. М., Уралов, Ш. М., Атаева, М. С., & Юсупова, М. М. (2008). О составе высших жирных кислот при витамин Д-дефицитном рахите. Вестник врача общей практики, (3), 54-56.

4. Улугов, Х. Х., Уралов, Ш. М., Шакаров, Ф. Р., & Гафурова, М. Э. (2014). Об эффективности противовирусного препарата Генферон лайт при лечении острых бронхиолитов у детей раннего возраста. In Молодежь и медицинская наука в XXI веке (pp. 92-92).

5. Умарова, С., Уралов, Ш., Гарифулина, Л., & Шамсуддинова, Д. (2014). Изучение степени бронхиальной обструкции у детей, страдающих острым бронхиолитом. Журнал проблемы биологии и медицины, (3 (79)), 159-160.

6. Уралов Шухрат, Аралов Мирзо, & Нажимов Шахбоз. (2024). Использование электронной программы оценки степени тяжести обезвоживания при диареях у детей и выбора оптимальной тактики лечения. Uz-Conferences, 690–694. Retrieved from <https://uz-conference.com/index.php/p/article/view/601>

7. Уралов Шухрат, Ачилова Феруза, & Абдукадилова Наргиза. (2024, май 2). Результаты комплексной оценки функционального состояния печени у детей с хронической гастродуоденальной патологией. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11103035>

8. Уралов, Ш. (2020). COVID-19 pandemiyasi davrida chaqaloqlarni ko'krak suti bilan oziqlantirish bo'yicha tavsiyalar sharhi. Журнал гепатогастроэнтерологических исследований, 1(1), 98-103.

9. Уралов, Ш. М., Аралов, М. Ж., & Холикова, Г. А. (2022). О современных методах лечения острого стенозирующего ларинготрахеита у детей. Международный журнал научной педиатрии, (5), 25-31.

10. Уралов, Ш. М., Жалилов, А. Х., Аралов, М. Ж., & Холикова, Г. А. (2022). Методы лечения острого стенозирующего ларинготрахеита у детей на современном этапе. *Scientific impulse*, 1(2), 19-28.
11. Уралов, Ш. М., Жураев, Ш. А., & Исраилова, С. Б. (2022). О влиянии факторов окружающей среды на качество жизни и здоровье молодежи. *So ‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi*, 1(3), 6-13.
12. Уралов, Ш. М., Жураев, Ш. А., & Рахмонов, Ю. А. (2022). Управляемые предикторы бронхиальной астмы у детей, перенесших бронхообструктивный синдром в анамнезе. *O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali*, 1(9), 376-381.
13. Уралов, Ш. М., Облокулов, Х. М., & Мамутова, Э. С. (2020). О неспецифической профилактике коронавирусной инфекции. In *Актуальные вопросы современной науки* (pp. 132-134).
14. Уралов, Ш. М., Рустамов, М. Р., Закирова, Б. И., & Абдусалямов, А. А. (2006). Состояние глюконеогенной функции печени у детей с патологией гастродуоденальной зоны в зависимости от давности заболевания. *Вятский медицинский вестник*, (2), 61-62.
15. Уралов, Ш., Абдусалямов, А., Ибатова, Ш., & Умарова, С. (2014). Результаты проведенного анкетирования матерей, дети которых страдают острой респираторно-вирусной инфекцией. *Журнал Проблемы биологии и медицины*, (3 (79)), 164-165.
16. Уралов, Ш., Рустамов, М., & Халиков, К. (2022). Изучение глюконеогенной и мочевинообразовательной функции печени у детей. *Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований*, 2 (3.2), 18–20.
17. Abdukadirova, N. B., & Qodirova, M. M. (2024). Results of the use of NAN fermented milk mixture in young children with dysbiosis. *Modern education and development*, 5(1), 265-270.
18. Achilova, F. A. (2024). Clinical evaluation of the effectiveness of ergoferon in the treatment of croup in children. *Modern education and development*, 5(1), 290-295.

19. Dj, A. M. (2024). Conducting a comprehensive assessment of the respiratory system in children suffering from acute bronchiolitis and the use of an antiviral drug. *Modern education and development*, 5(1), 271-282.
20. Ibatova, S. M., Uralov, S. M., & Mamatkulova, F. K. (2022). Bronchobstructive syndrome in children. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 518-522.
21. Kh, J. A. (2024). Conducting targeted empirical antibacterial therapy in children with nosocomial pneumonia. *Modern education and development*, 5(1), 283-289.
22. Kh, J. A., & Achilova, F. A. (2022). The state of the erythron system in acute pneumonia in children. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 798-808.
23. Sh. M. Uralov (2024). Comprehensive assessment of the respiratory system in children with acute bronchiolitis and correction of the detected changes. *So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi*, №7 (7), 62-70.
24. Sh. M. Uralov (2024). Evaluation of the clinical efficacy of the antiviral drug ergoferon in the treatment of stenosing laryngitis in children. *So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi*, №7 (7), 76-80.
25. Sh. M. Uralov (2024). Our experience of using targeted empirical antibacterial therapy for nosocomial pneumonia in children. *So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi*, №7 (7), 71-75.
26. Sh. M. Uralov (2024). The use of unfermented NAN formula in the complex treatment of infants with dysbiosis. *So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi*, №7 (7), 58-61.
27. Sh. Uralov (2024). Surunkali gastritli bolalarda jigar funktsional holatining buzilishi va uni korrektsiyalash. *Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований*, 1(5), 53-59.
28. Sh. Uralov, I. Shamatov, Z. Shopulotova, & M. Kodirova (2024). Immunological indicators in stenosing laringotracheitis in children. *Science and innovation*, 3 (D1), 81-86. doi: 10.5281/zenodo.10578214

29. Uralov Sh.M., Rustamov M.R., Zakirova B.I., Abdusalyamov A.A. The state of gluconeogenic liver function in children with gastroduodenal pathology depending on the duration of the disease // Vyatka Medical Bulletin, 2006, No. 2, - 61-62 p.
30. Uralov Shukhrat Mukhtarovich, & Kholikova Gulnoz Asatovna. (2023). Occurrence of functional constipation in children of different age. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 17, 32–38. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/351>.
31. Uralov Shukhrat, E. E. Kobilov, H. F. Batirov, M. K. Tukhtaev and V. B. Agzamov. Clinical and anamnestic characteristics of children with chronic gastroduodenal pathology. BIO Web Conf., 76 (2023) 01014. DOI: <https://doi.org/10.1051/bioconf/20237601014>